
ФАРҒОНАЛИК ИККИ НАФАР ИҚТИДОРЛИ ЙИГИТ “МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарор билан янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юсак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган 29 нафар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитлари “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида икки нафар фарғоналик фидойи ва мард ўғлонлар – Эркин Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Давлатжон Каримов ва Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси Темурбек Ҳайдаров ҳам бор.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-06-30 10:42:08